

Зулҳижжанинг 10 кунлиги



12:24 / 24.08.2017 8046

Зулҳижжанинг биринчи ўн кунлиги улуғ фазилатларга эга. Бу ой ҳаром ойлاردан бири саналади. Унда ҳаж ибодати бажарилади. Унда ҳажнинг энг катта рукни бўлмиш Арафада туриш бор.

Аллоҳ таоло унинг фазлини бандаларига билдириб қўйиш учун Ўз китобида у билан қасам ичиб: «**Фажр билан қасам. Ва ўн кеча* билан қасам**», деган. (*Фажр сураси, 1-2-оятлар*).

** Бу «ўн кеча»дан мурод – Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги экани кўпчилик муфассирлар томонидан таъкидланган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг фазлини таъкидлаб шундай деганлар: «**Бирор кун йўқки ундаги солиҳ амал мана бу кунлардаги (ташриқ кунлари) амалдек Аллоҳга маҳбуб бўлса**», дедилар» (*Аҳмад ва*

Бухорийлар Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

Унда қилинадиган баъзи амаллар:

1. Қурбонлик қилмоқчи бўлган одам Аллоҳнинг раҳмат ва мағфирати аъзоларининг барчасини қамраб олиши учун соч, соқол ва тирноқларини олмаслиги тавсия қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Зулҳижжанинг биринчи) **ўн кунлиги кирганда, қўлида қурбонлик қилмоқчи бўлган жонлиғи бўлган киши соч-соқолини ҳам, тирноғини ҳам олмасин**», дедилар» *(Муслим Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган).*

2. Қуръон ўқиш, кўп зикр қилиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ўша (кун)ларда таҳлил** (лаа илааҳа иллаллоҳ), **такбир** (Аллоҳу акбар) **ва таҳмид** (Алҳамдулиллаҳ)**ни кўпайтиринглар**», дедилар» *(Аҳмад Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган).*

3. Биринчи тўққиз кунда рўза тутиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи завжаларидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро кунда, Зулҳижжанинг тўққиз кунда, ҳар ойдан уч кун – биринчи душанбаси ва кейинги икки пайшанба кунлари рўза тутар эдилар». *(Насоий ривоят қилган).*

4. Тўққизинчи кунининг рўзаси алоҳида таъкидланган, чунки у кун Арафа кунидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у куннинг рўзаси ҳақида сўрашганида: «... (Ундаги рўза) **ўтган ва қолган йилни**(нг гуноҳларини) **каффорат қилади**», деганлар» *(Муслим Абу Қатода Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).*

5. Ўнинчи куни рўза тутилмайди, чунки у қурбон ҳайити кунидир. У кундаги қилинадиган амалларнинг энг афзали такбир айтиш, қурбонлик қилиш, садақа бериш ва қариндош уруғ ва ёр-биродарларни зиёрат қилишдир.

Кимга шу йили ҳаж қилиш насиб қилмаган бўлса, юқорида айтиб ўтилган тоат-ибодатлар билан ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилсин.

Аллоҳим, бизларга байтингни ҳаж қилганлар ажричалик ажр битгин.
Уларнинг солиҳ дуоларига бизларни ҳам қўшгин. Омин! Доктор Муҳаммад
Содиқ Дарвиш.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тажимаси